Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 17 февраль сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 34-35 (1815-1816)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Нурлан Балгимбаевни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлар экан, икки қардош мамлакат ўртасидаги азалий дўстона муносабатлар янада равнақ топаётганидан мамнуният изҳор этди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини, хусусан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Умарзак Ўзбеков ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР — ФАРОВОНЛИГИМИЗ АСОСИ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, республика вазирликлари, қўмита, уюшма ҳамда компаниялари раҳбарлари билан учрашди. Учрашув қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштириш масалаларига бағишланди.

Учрашувни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлади. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида туб ислоҳотлар бошлаб юборилди. Мазкур ислоҳотлар ҳозирги кунда ўз самарасини бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Тараққиётнинг "ўзбек модели" хориждаги етакчи мутахассисларни ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар айрим давлатлар учун намуна вазифасини ўтамоқда.

Бироқ, бундай ўзгаришлар қишлоқ хўжалигида бирмунча секин кечяпти. Шаклий ўзгаришлар кўзга кўринса-да, қишлоқ хўжалигининг мазмун-моҳиятида ислоҳотлар деярли сезилмаяпти.Бунинг асосий сабаблари собиқ тузумдан қолган эскилик сарқитлари, эскича фикрлаш, боқимандалик ва хўжакўрсинга ишлашдир, деб таъкидлади Президент.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида бу масала кенг муҳокама этилди. Мамлакатимиз раҳбари сессияда сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни атрофлича таҳлил қилди. Уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берди. Сессияда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштиришга асос бўлиб хизмат қиладиган қонунларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди ва умумхалқ муҳокамасига тавсия этилди. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида" ва "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари шулар жумласидандир. Улардан кўзланаётган асосий мақсад қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини янада ривожлантириш, соҳада замон руҳига мос мулкчилик муносабатларини шакллантириш, деҳқонларда ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлик ҳамда ерга эгалик ҳиссини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Президент бу масалаларни ҳал қилишда, аввало, мазкур соҳа билан боғлиқ қонуний асосларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Чунки қонунлар замон талабларига мослаштирилмас экан, қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни тўлиқ бартараф этиб бўлмайди. Юқорида қайд этилган қонунлар лойиҳалари бу жиҳатдан катта аҳамиятга моликдир. Давлатимиз раҳбари ушбу қонунлар лойиҳалари муҳокамаси чоғида соҳага тааллуқли барча вазирлик ва идоралар, вилоят ва туман ҳокимликлари, мутахассислар, энг муҳими, деҳқон ва чорвадорлар, фермерлар фикрини ўрганиш зарурлигини қайд этди.

Ислом Каримов мамлакатимиз аҳолисининг 65 фоизи қишлоқ хўжалигида банд эканини айтиб, бу соҳада туб ислоҳотларни амалга оширмай туриб, тараққиётга эришиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади. Зеро, юртимизда миллионлаб инсонларнинг тақдири бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғланган. "Ерни боқсанг, у сени боқади", дейди халқимиз. Аммо ана шу ерга муносабат қандай? Ундан ҳамиша ҳам тўғри фойдаланиляптими? Афсуски, бунга ижобий жавоб бериш қийин. Айрим вилоятларда умумхалқ мулки ҳисобланган ерни талон-тарож қилиш ҳоллари учрамоқда. Жойларда ер, сув танқислиги мавжуд бўлгани ҳолда, улардан унумли фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқ хўжалиги барча соҳаларининг ҳам муваффақиятли ишлаши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигидаги қониқарсиз аҳвол сақланиб қолар экан, мамлакат саноати, транспорти, умуман барча соҳасига ўзининг салбий таъсирини ўтказаверади. Чунки ишчи ҳам, ҳайдовчи ҳам, олим ҳам — ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бирдек эҳтиёж сезади. Шу боис, қишлоқ хўжалиги соҳаси муаммолари доимо мутасадди раҳбарлар диққат марказида бўлмоғи даркор. Ҳозир қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган барча хайрли ишларда компаниявозликка йўл қўйиб бўлмайди, бу соҳадаги туб ислоҳотлар узоқни кўзлаб амалга оширилиши керак, дея таъкидлади мамлакатимиз раҳбари.

Муҳокама қилинаётган янги қонунлар ҳаётда ўз ўрнини топиши ғоят муҳимдир. Бу қонунлар такомиллаштирилиб, қабул қилингач, ҳаётий тўсиқларга дош бера оладими? Кундалик турмушга қанчалик мос келади? Энг асосийси, янги қонунларни деҳқонлар онгига сингдириш қандай кечади?

Юртбошимиз бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, йиғилганлар эътиборини ушбу қонунларни мазмунан тўлдирувчи меъёрий ҳужжатлар масаласига қаратди. Булар ер кадастри, пай жамғармаси билан боғлиқ ҳисоб-китоблар, фермер хўжаликларининг намунавий низоми ва бошқа масалаларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлардир. Бу борада ҳозир ҳам тегишли ҳужжатлар мавжуд, албатта. Бироқ, улар бугунги кун талабига тўла жавоб беролмай қолаётир. Масалан, ер кадастрини олайлик. Ҳар бир вилоят, ҳар бир туманнинг ўзида бир неча хил ер майдони бўлади. Дейлик, уларнинг айримлари тошли, сув чиқиши қийин бўлса, айримлари унумдор, суғориш катта меҳнатни талаб қилмайди. Бундай ерларни бир хил баҳолаш эса адолатдан эмас. Ҳолбуки, шўро замонида ер айнан шундай баҳоланар эди. Ёки пайчиликни олайлик. Ҳозирги кунда унинг асосий ёки айланма жамғармасини аниқлашнинг ўзиёқ катта қийинчиликларни туғдирмоқда. Пировард даромад ким томонидан ва қай йўсинда тақсимланади? Буни тушуниб олиш қийин.

Ислом Каримов ана шу масалаларга эътиборни қаратар экан, бу борада ишлаб чиқилган қонунлар лойиҳалари ҳар томонлама мукаммал бўлиши билан бирга, уларга риоя қилиш ҳам яхши йўлга қўйилиши зарурлигини таъкидлади. Ривожланган мамлакатлардаги тараққиёт муҳити шуниси билан эътиборлики, у ерларда кишилар қонунга қатъий амал қилади. Биз ҳам ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан бораётган эканмиз, фуқароларимизга ана шу руҳни сингдиришимиз лозим.

Янги қонунларда бюрократик тўсиқлар, буйруқбозлик ва боқимандалик иллатига қарши курашадиган жиҳатлар мужассамлаштирилиши лозим. Мисол учун, бирор киши фермер хўжалиги очмоқчи бўлса, идорама-идора сарсон бўлиб юрмасин.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар оқсаётганлигининг асосий сабабларидан бири хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномаларга тўла риоя этилмаётгани ҳамдир. Жамиятимизда шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш масъулияти тўла қарор топмас экан, эски иллатлардан қутулиб бўлмайди. Шартнома амал қилмаса, унинг ўрнини порахўрлик, боқимандалик ва буйруқбозлик эгаллаши тайин. Шу боис Ислом Каримов хўжалик судлари фаоллигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Афсуски, республикамиз Олий хўжалик суди ҳам, унинг жойлардаги идоралари ҳам бу масалада сусткашликка йўл қўймоқда. Хўжалик раҳбарлари, оддий деҳқон ва чорвадорлар, муаммо юзага келса, хўжалик судларига эмас, ҳокимликларга мурожаат этишади. Ваҳоланки, хўжаликлар ўртасида юзага келадиган баҳсли муаммоларга ҳакамлик қилиш ва ечиш судларнинг вазифасидир.

Гап санация, банкротлик, тузилган шартномаларга қатъий риоя қилиш хусусида борар экан, давлатимиз раҳбари жойларда, хусусан, қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилган ва тайёрланган маҳсулотларни ўз вақтида сотиш масаласига эътиборни қаратди. Эски тузумдан қолган иллатладан бири — корхона маҳсулоти ойлаб, ҳатто йиллаб сотилмай ётади. Сабаби ё у сифатсиз, ёки харидорини тополмайди. Бу иллатга барҳам бериш фурсати етди. Маҳсулот ўтмадими, уни арзонлаштириш керак. Ахир чет элларда шундай қилишади-ку. Нега биз уларнинг тажрибасини ўрганмаяпмиз? Маҳсулотни қимматга сотишни кўзлаб омборларда йиллаб сақлаб туришдан нима фойда? Шу каби эскича ишлаш, эскича қарашлардан қутила олмаётганимиз туфайли айрим корхоналардаги тўловларда, иш ҳақини ўз вақтида беришда узилиш ҳоллари кузатилмоқда, қийинчиликлар туғилмоқда. Шу боис қишлоқ корхоналарида ҳам маркетинг усулини кенг жорий этиш, раҳбарларни бунга ўргатиш лозим. Токи корхона аҳли аввал ўз "буюртмалар портфели"ни тўлдириб, сўнг шунга яраша маҳсулот ишлаб чиқарсин. Бу бозор иқтисодиётининг энг асосий талабларидан биридир. Режа кетидан қувиш иллатидан қутулиш фурсати етди.

Президентимиз мамлакатда зарарга ишлаётган корхона ва хўжаликлар кўп бўлса-да, уларни банкротга учраган, деб эълон қилиш ҳоллари камлигини, бу эса бозор муносабатлари шартларига тўғри келмаслигини қайд этди. Айрим раҳбарлар ҳамон боқимандалик кайфиятидан халос бўла олмаётганини танқид қилди.

Мамлакатимизда бир йил давомида 2172 хўжаликдан 421 тасининг раҳбари ўз вазифасидан озод қилинди. Бу эса кадрлар тайёрлаш, танлаш, уларни жой-жойига қўйишда ҳали анча-мунча камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шундай экан, қишлоқ хўжалигини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ишбилармон, билимдон кадрлар билан таъминлаш доимо диққат-эътиборда бўлиши зарур. Аслида раҳбар одам шахсий, оилавий, ижтимоий ҳаётдаги фаолияти билан бошқаларга ўрнак бўлмоғи лозим. Бироқ, бундан ислоҳотлар самараси фақатгина раҳбар ходимларга боғлиқ, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Йўлбошчимиз қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни ечишда қуйидаги тўрт омилга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлади.

Биринчидан, бу соҳада машғул бўлган ишчи ва деҳқонлар ўзларининг ишлаб чиқаришга бевосита алоқадорлигини ҳис этиши керак.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида мулкий муносабатларни қарор топтириш, деҳқонларда ерга, мулкка эгалик туйғусини кучайтириш лозим. Мулкка бўлган эскича муносабатга барҳам берилмаса, соҳа меҳнатчилари онгида ўзгариш ясаб бўлмайди.

Учинчидан, пайчилар жамоанинг пировард даромадида ўз улушини аниқ билиши, даромад ўз манфаатига хизмат қилишини англаши керак. Бугунги кунда дивиденд адолатли тақсимланишини таъминлайдиган ҳужжатларга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Тўртинчидан, хўжалик фаолиятида иштирок этаётган ҳар бир оила ўз меҳнатига яраша ҳақ олиши зарур. Акс ҳолда унинг меҳнатга муносабати ўзгаради. Шунинг учун ҳар бир оиланинг ўз ҳақини тўла ва адолатли тарзда олишини таъминлашни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.

Ана шу тўрт омил ишламаса, уларга амал қилинмаса, ислоҳотлар кутилган натижаларни бермайди. Биз уруғ топишимиз, экишимиз, ўз вақтида агротехникани қўллаш ва механизациялаштириш ишларини амалга оширишимиз мумкин, бироқ юқоридаги вазифаларни бажармасак кутилган натижаларга эришишимиз қийин, деди мамлакатимиз раҳбари.

Бу вазифаларни бажариш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, тегишли вазирлик ва идораларга, вилоятлар ҳокимликларига жойларда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган ҳужжатларни ўрганишга бағишланган ўқувлар ташкил этиш топширилди.

Самарқанд вилояти ҳокими А.Мардиев, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов, Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов, Сирдарё вилояти ҳокими Ў.Исмоилов, Жиззах вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев, Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов ва бошқалар муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Учрашувда Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосарлари А.Азизхўжаев, В.Чжен, Б.Ҳамидов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова иштирок этди.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА: учрашув пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ ЛЕОНИД ДАНИЛОВИЧ КУЧМАНИ "БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, икки томонлама давлатлараро муносабатларни ривожлантиришдаги улкан хизматлари ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Украина Президенти Леонид Данилович Кучма "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 16 февраль.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 1998 йил 16 февраль куни маҳаллий ва хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.**

Брифингда қайд этилдики, сўнгги вақтларда Ўзбекистонда вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган айрим экстремистик йўналишдаги диний ташкилотлар ва марказларнинг Покистон ҳудудида олиб бораётган фаолияти билан боғлиқ баъзи салбий ҳаракатлар маълум бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, "Ҳизби Ҳаракати Жиҳод", "Даъват ул-Иршод" ва "Покистон ислом уламолари жамияти" каби ташкилотлар ёрдамида ўзбекистонлик, аксарияти Фарғона водийси ёшлари Пешовар туманида жойлашган диний ўқув юртларида ўқитилмоқда.

Ўқув жараёнида ҳаётий тажрибага ва мустақил дунёқарашга эга бўлмаган мазкур ёш йигитларга экстремистик кайфият, жиҳод ва ваҳобийлик ғоялари тарғиб этилмоқда ва инонтирилмоқда. Сўнгра улар 6-7 ой мобайнида Пешовар ва Афғонистоннинг толиблар назорат қилаётган худудида жойлашган махсус лагерларда террорчилик фаолиятининг турли шаклларига ўргатилмоқда.

Мазкур "махсус тайёргарлик" курсини битиргандан кейин бу тоифадаги "тингловчилар" яширин қўпорувчилик фаолиятини амалга ошириш учун ноқонуний йўллар билан, асосан, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга қайтиб келадилар.

Турли манбалардан олинган маълумотларга кўра, ҳозир Покистондаги мазкур яширин ўқув марказларида Марказий Осиёдан, асосан, Тожикистон ва Ўзбекистондан келган 400 га яқин киши тайёрланмоқда.

Хусусан, Исломободдаги "Жума ул-Санифия", Мардон шаҳридаги "Табон" мадрасаларида ёшлар мафкуравий жиҳатдан тайёрланмоқда. Пешовар шаҳрининг Арбад Роуд туманида, Карачи шаҳрида ҳамда Пешовар яқинидаги Жалхоза, Шамшату, Окули Хатта қишлоқларида исломий жангарилар тайёрлайдиган махсус ўқув марказлари мавжуд.

Фарғона водийсидан Раҳим Ҳожиев, Акмал Ҳайдаров, Қосим Солиҳонов ва бошқалар (ҳаммаси бўлиб 15 дан зиёд) Лаҳор яқинидаги Рейванд шаҳрида "Даъвати таблиғ" номли ислом марказида 5 ойлик махсус тайёрлов курсидан ўтишган.

Бизнинг фикримизча, фаолиятлари тўғрисида Покистон расмий идоралари бехабар бўлган ушбу марказларнинг асосий мақсади исломнинг тинчликсевар тамойилларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, экстремист йўналишдаги диний мафкуранинг ашаддий, мутаассиб тарафдорларини тайёрлашдан иборатдир. Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш ва вазиятни беқарорлаштириш, анъанавий ислом негизларини барбод қилиш, қонуний конституцион тузумга қарши кураш ва натижада Марказий Осиё ҳудудида ўта экстремист йўналишдаги ислом давлатларини барпо этиш мақсадида мазкур шахслардан жангарилар гуруҳлари ташкил этилади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ушбу фикрни тасдиқловчи кўплаб далилларга эга.

Абдували Йўлдошев ва Толиб Мамажонов бошчилигидаги шундай босқинчи гуруҳлардан бири 1994-97 йиллар мобайнида Наманган вилоятида бир қатор ўта оғир жиноятларни содир этган. Дастлабки тергов жараёнида аниқланишича, мазкур гуруҳ аъзолари Покистон ва Афғонистонда махсус тайёргарликдан ўтишган, Тожикистондаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган, ваҳобийлик ғояларини тарғиб этиб, Ўзбекистонда конституциявий ҳокимият органларини зўрлик йўли билан ағдариб ташлаш лозимлигини очиқдан-очиқ эълон қилишган.

Бундай экстремистик кучларнинг Покистон қонунларига зид ҳолда амалга ошираётган фаолияти тегишли ҳукумат идоралари томонидан назорат қилинмасдан қолмоқда, деган мулоҳазалар Ўзбекистонда вужудга келмоқда.

Ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган икки томонлама Ўзбекистон-Покистон алоқалари ривожланаётганини таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қайд этилганлардан Покистон ҳукуматини хабардор этишни лозим, деб билди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги дўст Покистон ҳукуматига мамлакатда амал қилаётган қонунлар доирасида мазкур салбий кўринишларнинг олдини олиш учун амалий чора-тадбирлар кўришни сўраб мурожаат қилди. Покистон томони бундай хавотирланишнинг сабабларини англайди, деб умид қилинади.

Ўзбекистон томони юқорида зикр этилган экстремистик фаолият тўғрисида Покистон томонидан превентив маълумотлар тақдим этилишини эзгу ният изҳори сифатида баҳолаган бўлур эди.

Юқорида келтирилган фактлар баён қилинган Нота Покистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Шаҳриёр Рашед орқали ушбу мамлакат Ташқи ишлар вазирлигига юборилди.

**(ЎзА)**

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

16 февраль куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Н.Балгимбаев пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов билан учрашди. Мулоқот давомида томонлар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Сўнг, Вазирлар Маҳкамасида икки мамлакат Бош вазирлари раҳбарлигидаги Ўзбекистон ва Қозоғистон делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда Қозоғистоннинг жанубий минтақаларига Ўзбекистон газини етказиб бериш, шунингдек, сув захираларидан оқилона фойдаланиш, божхона, савдо, транспорт коммуникациялари ва геология-қидирув соҳаларида ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокараларда Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Қ.Ҳаққулов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

**РАСМИЙ ТАШРИФ МУНОСАБАТИ БИЛАН**

## ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА: ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Украина давлати ҳақида гап кетганда ушбу мамлакат мустақиллик йилларида ўзига хос ташқи сиёсий йўл билан халқаро миқёсда катта обрў-эътибор топганлигини таъкидлаш лозим. Айни шу жиҳат ўзаро муносабатларда стратегик ҳамкор даражасига кўтарилган Ўзбекистон ва Украинани жаҳон ҳамжамияти, айниқса, МДҲ доирасида тутаётган позицияси бир-бирига мушатараклигини белгиламоқда.

Серунум қора тупроқ бағрини кесиб ўтган Днепр дарёси қирғоқлари ва Карпать тоғлари этакларида жойлашган Украина билан Ўзбекистон халқлари ўртасида дўстлик ва иқтисодий алоқалар азал-азалдан мавжуд. Истиқлол йилларида икки томонлама муносабатлар ҳар жиҳатдан ривожланиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон-Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ришталарининг чуқур илдиз отишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Киевга расмий ташрифи, ўз навбатида Украина Президенти Леонид Кучманинг мамлакатимизга сафари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**(Давоми 3-бетда).**

## МУНОСАБАТ

**Яқинда Чилонзордаги бир танишимизникига меҳмонга боргандик. 16 ёшдаги қиз фарзанд кўрганлиги ҳақида гап очилиб қолди. Дастурхон атрофидагиларнинг ҳаммаси ҳайратдан ёқа ушладилар. Кейинчалик билсак бу воқеа гапнинг ҳолваси экан. Қизнинг шўринг қурғур ота-онаси худди чўғ устида юргандек ўзларини қаерга уришларини билмай қизларидан, бу қандай юз берди, деб сўрасалар, у бамайлихотир бундай аҳволга тушган бир менми, мендан ҳам ёшроқ қизлар ҳам фарзанд кўришяпти-ку, деб жавоб берганмиш.**

# МИЛЛИЙ ТУЙҒУГА ЗАХА ЕТМАСИН

## Ёки сассиқ дарахтнинг аччиқ меваси хусусидаги ўйлар

Водариғ! Қандай кўргулик бу, энди дунёни таний бошлаган, ҳаёт нима эканлигини ҳали тўла тасаввур этмасдан туриб, маънавий мажруҳ бўлишлик келгусидаги бахтсизликларнинг дебочаси эканлигини шўрпешона қиз англамаётир. Эҳтимол қизнинг ота-онаси ҳа демай қизимизга совчилар келади, деб ширин хаёллар оғушида юрган бўлсалар ажаб эрмас. Эшигимиз олдида карнай-сурнай овозлари янграб, кишилар дилини ларзага келтиради, деган ўйлар бўлгани ҳам ҳақ гап.

Афсуски, ҳозирги ҳақиқат аччиқ, жуда аччиқ. Айтинг айтинг, душманимиз бошига ҳам бундай кунларни раво кўрмайлик. Нега шундай ҳол юз берди, деган саволга ҳар ким ўзича жавоб излабди. Кимдир шунда у ўқийдиган китобларини, ўзига тенгдош ўғил ва қизлар билан тун ярмигача кўрадиган видеокассеталарни кўздан кечиришни маслаҳат берибди. Буни қаранг, ташбеҳ жуда тўғри қўйилган экан. Китобларининг асосийси, кўрадиган видеокассеталари ҳам ўша, биз минг андиша ила тилга олаётган, ёшларимиз руҳиятига салбий таъсир этиб, ахлоқсизликни тарғиб қилаётган хилидан бўлиб чиқибди.

Ўша хонадон бошига тушган кулфат сассиқ дарахтнинг аччиқ мевасидир.

Шу гапдан кейин Тошкентдаги китоб дўконларини, бозорлар ҳамда метро бекатлари йўлакларидаги расталарни кўздан кечириб чиқдим. Не кўз билан кўрай, не сўз билан айтай, худди ўшандай китоблар деярли ҳамма жойда қалаштириб ташланган. Муқоваларида яланғоч хотинлар тасвирланган бу китоблар номини айтишга ҳам андиша қиласан киши. Юқоридаги сатрлар қуруқ даво бўлиб қолмаслиги учун бир-икки мисол келтиришга мажбурмиз. Бирининг номи «Аёл киши танасининг сирлари» («Тайна женского тело») номли китоб бўлиб, у икки томли, ҳар бирига 700 сўмдан ортиқроқ баҳо қўйилган. Иккинчиси «Қадим даврдаги фоҳишалик тарихи» («История древной проститутции»), учинчиси... қўйинг, сиз ҳам, мен ҳам хижолат бўлмайлик, қолганлари ҳам шунга ўхшаш андишасиз номлар.

Қани айтинг-чи, замондош биродар, булар, четдан оқиб келаётган бу оғулар ёшларимиз руҳиятига, тарбиясига таъсир қилмайди, деб ким кафолат беради. Бу ҳолат беистисно, ҳар биримиз тинчимизни бузиб, ҳаловатимизни ўғирлаяпти. Тунов куни десангиз, метронинг Пушкин кўчасига олиб чиқадиган йўлагида шундай ҳодисага дуч келдик. Уч-тўрт киши тик турган ҳолда газетами, журналми, бунисини аниқ билмадим, варақлашяпти. Оғзиларидан ҳар-хил гаплар чиқяпти. Билсам ўша ерда ҳам ахлоқсиз босма маҳсулотлар сотилар экан. Баҳоси, хийла юқори. Сотувчи аёл ҳам анойилардан эмас экан, варақлаб, улардаги расмларни бир бор кўришга нарх белгилабди — 15 сўм. Ўзбекистон шарқда азалдан илм-фан масканларидан бири бўлиб оғизга тушган, шу заминда вояга етган алломаларимизни жаҳон танийди. Ўзимизнинг шарқона табиатимиз бор, руҳиятимиз ўта нозик, андиша ва ҳаё тушунчалари алоҳида шаклланган. Ғарбнинг беҳаёлигини ҳазм қилолмаймиз. Яширмайман, ўша беҳаё китоб, газета-журналларни ҳар сафар кўрганимда худди биров бетимга тупураётгандек сезаман ўзимни. Бизда худди шундай — руҳиятимиз, миллий анъанамиз, умуман ўзбекнинг табиатига бутунлай ёт бўлган матоҳларнинг нега бемалол сотилишига йўл қўйилганига тушунолмайман. Бу ҳолатни асослаб бўлармикан, деб ҳар хил хаёлларга бораман. Уни оқлайдиган ҳеч бир сўз топа олмайман. Баъзилар демократияни рўкач қилиши мумкин. Ахир демократия дегани исталган номаъқулчиликка кенг йўл очиб бериш дегани эмас-ку.

Яқинда газеталарнинг бирида ўқиб қолдим: араб мамлакатларининг бирида рамазон ойида кўчада чет элликлар пиво ичиб турган ҳолатда ушлансалар, катта жарима солиниши ёки маълум муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиш, ё бўлмаса ўша заҳотиёқ мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақида давлат раҳбари фармойиш берибди. Бундан мақсад мамлакат аҳолисининг миллий анъаналарини оёқ ости қилишликка йўл қўймасликдир.

Ёзувчи Ғаффор Ҳотамов ўзининг «Шарқ табиати ва ғарб» деб номланган ва «Халқ сўзи»нинг «Оила» иловасининг биринчи сонида чоп этилган мақоласида Ғарб ҳаёти захмидан кўнгил дунёсини иҳоталаш ҳам бугунги кунда ҳаётий заруратга айланаётир, деб жуда тўғри таклифни ўртага ташлаган. Шу муносабат билан миллий шаън, ор-номусни сақлаш, наслу насабимизни ҳимоя қилиш заруратидан келиб чиқиб, қуйидаги мулоҳазаларни ўртага ташламоқчиман:

Наша, қора дори ва бошқа наркотик моддаларни киши онггига ва руҳиятига салбий таъсир этиши туфайли бундай оғуларни мамлакатимиз ҳудудига кириб келишининг олдини олиш мақсадида қанчалик кенг миқёсда ва қатъий чоралар кўрилаётганидан ҳар биримиз яхши хабардормиз. Қани айтинг-чи, ўша беҳаё китоб, газета-журналлар, видеокассеталар қайси оғудан кам? Нима учун улар чет мамлакатлардан бемалол ўтиб келаверади, ҳамма ерда кўз-кўз қилиб сотилаверади. Бундан фақат шу соҳада енг шимариб, фойда олиш ниятида елиб югираётганларгина наф кўраётир. Оқибатда миллий анъаналаримизга етказилаётган зарарни ким ҳисоблаб беради ва жавобгарлиги кимнинг бўйнида бўлади? Назаримда, бундай оғу ва заҳар тарқатувчи матбаа маҳсулотини четдан келтириш ҳамда уларнинг савдосини ташкил этиш эгасиз, ташлаб қўйилган соҳага ўхшайди.

Маънавият одамни одам қиладиган тушунча. Шундай экан, беҳаёликни минглаб нусхаларда тарқатаётган кимсалар миллий тафаккуримизга, миллий маънавиятимизга зарар етказаётганликларини тушунармикинлар?

Маънавиятимиз поклиги, мусаффолиги кўп жиҳатдан китоб, газета-журналлардан бошланишини ҳисобга олсак, бу соҳадаги лоқайдлик ва бепарволик кейинчалик жуда қимматга тушиши мумкин. Ўтмиш алломаларидан бири Бархурдор ибн Маҳмуднинг қуйидаги сўзларига эътибор беринг: «Болалар ёмон, билимсиз кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишларига йўл қўймаслик даркор. Чунки улар нимани кўрсалар ва кимга эргашсалар, ўша нарсаларга тезда кўникиб қолишади. Агар шу ҳол рўй берса, ундан сўнг Луқмон ва Афлотуннинг мингта панду-насиҳати билан ҳам уларнинг кўнглида ўрганган нарсаларни чиқариб бўлмайди». Китоб — энг яхши ҳамсуҳбат деймиз. Лекин ҳозирги кунда сотилаётган китоблар ҳалигидек бўлса, унинг оқибати нима бўлиши ҳам аён.

Айтмоқчимизки, таъбимизни хира қилувчи, миллий нафсониятитмизни ерга урувчи, миллатимиз ғурурини таҳқирловчи, қадриятларимизга раҳна солувчи беҳаё китобларга дўконларда ҳам расталарда ҳам ўрин бўлмаслиги даркор. Зеро шарм-ҳаёли халқимиз уларни онгига сиғдиролмайди. Шарм-ҳаёсизликка эрк берилган жойда иймон-эътиқод, ор-номус дарз кетади. Назаримизда маънавият билан боғлиқ соҳаларни фойдага қурбон қилмаслик керак, чунки маънавиятни сотиб ҳам бўлмайди, сотиб олиб ҳам.

Аслини олганда юқоридаги мулоҳазалар энди айтилаётгани йўқ. Матбуотда, радио ва телевидениеда ҳам, бот-бот бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бу мавзу ўртага ташланаяпти. Афсуски, муаммо муаммолигича қолиб кетяпти. Лоқайдлик токайгача, дегинг келади, кейинчалик у жуда қимматга тушади-ку.

«Авваламбор, биз ўзимизни англашимиз, ўзбек деган номни улуғлашимиз керак, — деб таъкидлайди йўлбошчимиз. — Яна айтаман, биз шарқданмиз, осиёликмиз... Бизнинг халқимиздаги шарм-ҳаё, меҳр-оқибат яна қайси халқда бор? Бу сўзларни бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди... Уни халқнинг, миллатнинг маънавияти белгилаб беради».

Ниятимиз шуки, шарм-ҳаёни оёқости қиладиган китоблар нафақат хонадонимизда, балки биз учун муқаддас бўлган юртимизда ҳам бўлмасин.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 17 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 54,84 |
| 1 Австрия шиллинги | 6,43 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 134,97 |
| 10 Бельгия франки | 21,96 |
| 1 Голландия гульдени | 40,15 |
| 10 Греция драхмаси | 2,86 |
| 1 Дания кронаси | 11,87 |
| 1 БАА дирҳами | 22,41 |
| 1 АҚШ доллари | 82,30 |
| 1 Миср фунти | 24,24 |
| 1 Ирландия фунти | 113,24 |
| 1 Исландия кронаси | 1,14 |
| 10 Испания песети | 5,35 |
| 100 Италия лираси | 4,58 |
| 1 Канада доллари | 57,00 |
| 1 Хитой юани | 9,94 |
| 1 Қувайт динори | 269,88 |
| 100 Ливан фунти | 5,38 |
| 1 Малайзия ринггити | 20,99 |
| 1 Германия маркаси | 45,24 |
| 1 Норвегия кронаси | 10,88 |
| 1 Польша злотийси | 23,15 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,44 |
| 1 Сингапур доллари | 48,92 |
| 1000 Туркия лираси | 0,36 |
| 1 Финляндия маркаси | 14,92 |
| 1 Франция франки | 13,50 |
| 1 Швеция кронаси | 10,18 |
| 1 Швейцария франки | 56,26 |
| 1 ЭКЮ | 89,44 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,50 |
| 10 Япония иенаси | 6,54 |
| 1 Россия рубли | 13,60 |
| 1 Украина гривнаси | 42,34 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,56 |
| 1 Латвия лати | 139,26 |
| 1 Литва лити | 20,58 |
| 1 Молдова лейи | 17,48 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,64 |

*( Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



## ТУРИЗМ

**Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда туризм, яъни сайёҳлик тизимининг қай даражада йўлга қўйилгани катта аҳамиятга эга. Дунёдаги кўплаб тараққий этган давлатлар миллий даромадининг салмоқли қисми сайёҳлик хизматидан келиб тушади. Энг муҳими: бу соҳа ишлаб чиқаришга нисбатан кам маблағ талаб этиб, кўп валюта тушуми беради. Шу боисдан ҳам мустақилликка эришган Ўзбекистонда тармоқ ривожига алоҳида эътибор берила бошланди. Президентимизнинг мазкур соҳани ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган кўрсатмалари, мамлакат ҳукуматининг бу борада олиб бораётган амалий ишлари фикримиз далилидир.**

# САЙЁҲЛАР ҚАДАМИ АРИМАСИН ДЕСАК

## ЮРТИМИЗНИ ЖАҲОНГА КЎЗ-КЎЗ ҚИЛАЙЛИК

Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли тарихи узоқ минг йилликларга бориб тақалувчи юртимизда сайёҳлик хизмати муайян ютуқларни қўлга киритмоқда. Дунё халқларини мамлакатимизга жалб этиш борасида бирмунча натижаларга эриша бошладик. Айниқса, қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хивани қайта таъмирлаш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга жуда катта маблағлар ажратилгани ўз самарасини бера бошлади ва унутилаётган зиёратгоҳлар бутунлай ўзгача манзара кашф этди. Лекин жаҳоншумул тарихи, маданияти, осори-атиқалари билан машҳур юртимиз учун бу ишларнинг барчаси ҳали дебоча, холос. Сайёҳлик тизимини жаҳон андозалари даражасига етказиш учун жуда катта вазифалар амалга оширилиши зарур. Бунинг учун эса нафақат маблағ, балки тармоқ билан астойдил шуғулланувчи жонкуярлар керак.

Агар ривожланган мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туризм улар иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллаётганининг гувоҳи бўламиз. Соҳа мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, 2000 йилга бориб дунёда туризм индустрияси етакчи экспорт соҳасига айланади ва ундан келадиган соф фойда 490 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Кўриниб турибдики, туризм бошқа соҳаларга нисбатан илдам ривожланаяпти.

Масалан, агар Туркия хорижга маҳсулот экспорт қилишдан йилига 2-3 млрд. доллар атрофида валюта тушуми олса, сайёҳлик хизматидан 8-10 млрд. долларгача олади. АҚШ, Англия, Франция, Италия каби мамлакатларда ҳам валюта тушумининг қиёсий нисбати ана шундай. Сайёҳлик хизмати ўта ривожланган, унча катта бўлмаган Испанияда эса туризмдан келадиган даромад 30 млрд. доллар атрофида.

Имкониятлари жиҳатидан юқорида қайд этилган давлатлардан қолишмайдиган Ўзбекистонимизда туризмнинг бугунги аҳволи қандай? Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, мустақил юртимиз сайёҳлик хизматидан келадиган даромад 2005 йилга бориб 3,5-4 млрд. долларни ташкил этиши мумкин. Яъни, у республика ялпи маҳсулот экспорти валюта тушумидан кам бўлмайди. Аммо ҳозирги мавжуд ҳолатда бундай натижага эришиш мушкул. Сабаби — аҳоли жон бошига ҳисоблайдиган бўлсак, Республика валюта тушуми меҳмонхоналар, умумий овқатланиш, транспорт, алоқа хизматидан, миллий ҳунармандчиликка оид буюмлар савдосидан ва бошқалардан бир фуқарога икки доллардан ҳам тўғри келмайди. Муқояса учун ушбу рақам Австрияда 4 минг долларни ташкил этади. Аммо, айни пайтда жаҳон бўйлаб йилига 600 миллионга яқин турист саёҳатга чиқаётганлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистон улуши ниҳоятда камлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Хўш, Испаниядагидан қолишмайдиган тарихий меъморий обидалари, Австрия, ҳатто Швейцариядан ўтадиган табиат манзаралари, дунёда топилмас ноз-неъматлари бўлган диёримизга йилига миллионлаб сайёҳлар келишини йўлга қўйиш учун нималар қилмоқ керак? Туристларнинг юртимизга нисбатан кам ташриф буюраётганликларининг сабаби нимада? Мамлакатимиз яшириниб ётган имкониятларини очиш учун нималарга эътибор бериш лозим?

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, юқорида айтиб ўтилган 600 миллион нафар туристнинг жуда оз қисмигина Ўзбекистон ҳақида тасаввурга эга. Оддий саёҳатчилар у ёқда турсин, ҳатто мамлакатимизга ташриф буюраётган кўплаб машҳур давлат, жамоат, адабиёт ва санъат намояндалари ҳам Ўзбекистонни энди-энди кашф эта бошлашди.

Шукурлар бўлсинки, қадимий юртимиз ўз мустақиллигига эришди. Жаҳон бизни, биз жаҳонни таний бошладик. Юртимиз дарвозалари яхши ниятли барча инсонлар учун кенг очиб қўйилди. Эндиги вазифа - чет элликларни диёримизга иложи борича кўпроқ жалб этиш.

Асримиз — ахборотлар асри. Оддий тижоратчидан тортиб, йирик давлат арбобларигача ҳатто энг кичик мамлакатлар ҳақида ҳам тўлиқ маълумот олгиси келади. Бундай маълумот эса асосан матбуот воситалари ва тегишли халқаро ташкилотлар томонидан тарқатилади.

Мен шу маънода бир таклифни ўртага ташламоқчиман. 1954 йилда жаҳон туризмини ривожлантириш, бутун дунё мамлакатлари тарихи, маданияти, осори-атиқалари, туризм тармоқларини ҳурмат ва эҳтиром билан, (Низомида бу муқаддас бурч деб қабул қилинган)кенг тарғиб қилувчи халқаро ташкилот — ФИЖЕТ (сайёҳлик мавзуида ижод қилувчи ёзувчи ва журналистлар халқаро уюшмаси — фран.) ташкил топганди. Мана 44 йилдирки, ушбу ташкилот дунёдаги кўплаб мамлакатларда сайёҳлик тизимини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айни пайтда ушбу халқаро ташкилотнинг 40 дан зиёд мамлакатда шу каби уюшмалари бор. ФИЖЕТнинг қароргоҳи Брюссель шаҳрида жойлашган бўлиб, ҳар йили бир маротаба олий анжумани — конгрессида сайёҳлик тизимини энг яхши тарғиб қилган мамлакат, шаҳар, шахсга уюшманинг олий мукофоти - «Олтин олма» (нуфузи Оскар совринига тенг) топширилади. Ташкилотнинг «Вю туристик» журнали унга аъзо мамлакатлар ҳақида мунтазам маълумотлар бериб боради ва туризм соҳаси бўйича семинарлар ўтказиб, малакали қаламкашлар тайёрлайди, «сайёҳлик тасаввурларини экспорт қилиш» борасидаги тажрибаларини алмашади.

Энди муддаога ўтсак: ёш, мустақил Ўзбекистонда ҳам худди шундай бир уюшма ташкил этилса ва у ФИЖЕТга аъзо бўлиб, мустаҳкам алоқа ўрнатса мамлакатимиз сайёҳлик тизими ривожи сари катта қадам қўйилган бўларди. У шартли равишда «Марказий Осиё: хорижий сайёҳлик ва матбуот» уюшмаси деб номланса (уюшма уставининг лойиҳаси таклиф ва мулоҳазаларга кўра ўзгартирилиши мумкин).

Бу ташкилот ўз атрофига туризм ҳақида қалам тебратувчи талантли журналистлар, ёзувчи ва шоирларни жамлаб, жаннатмакон юртимизни жаҳонга танитиш билан шуғулланарди. Уюшма қошида «Марказий Осиё: сайёҳлик мўъжизаси» журнали ташкил этиб, «Вю туристик» журнали ижодкорлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари янада яхши самара берарди.

Келинглар, ҳаммамиз бир бўлиб, жонажон юртимиз сайёҳлик тизимини ривожлантириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшайлик!

**Исматулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**«Байналмилал» ташқи иқтисодий бирлашмаси раиси, иқтисод фанлари номзоди.**

## ДУНЁ ДАРАКЛАРИ



*СУРАТДА: Жанубий Корея пойтахти — СЕУЛ.*

### НЕФТЬ ЎРНИГА ОЗИҚ-ОВҚАТ

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа озиқ-овқат ва дори-дармон харид қилиши учун нефть сотишни кўпайтиришга рухсат бериш масаласини муҳокама қилди. Муҳокамада Ироққа ҳар ярим йилда 2 миллиарддан 5,2 миллиард АҚШ доллари миқдоригача бўлган ҳажмда нефть сотишга рухсат бериш кўриб чиқилди. БМТ Бош котиби вакилининг айтишига қараганда Буюк Британия, Португалия ва Швеция мутахассислари махсус лойиҳа тақдим этиб, унда нефть экспорти ҳажмини ошириш билан бирга озиқ-овқат ва дори-дармон сотиб олиш механизми ҳам ишлаб чиқилган.

### ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЗАРУР

Маълумки Шимолий Корея аҳолиси 1995-1996 йилларда юз берган сув тошқини туфайли ва 1997 йилги қурғоқчилик оқибатида очарчиликни бошидан кечирмоқда. БМТнинг Шимолий Кореяга инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш бўйича мувофиқлаштирувчиси Дуглас Куттс баёнот бериб КХДР аҳолисига 415 миллион доллар миқдорида озиқ-овқат етказиб бериш зарурлигини таъкидлади.

### САЙЁҲЛАР ЎРНИГА ПРОТИВОГАЗЛАР

Форс кўрфазида вужудга келган танг вазият Яқин Шарқ мамлакатларидан хорижликлар, айниқса сайёҳлар илдам чиқиб кетишига олиб келмоқда. Айниқса Исроил сайёҳлик бизнеси катта молиявий талофот кўрмоқда. Бу мамлакатга Европадан сайёҳлар эмас, противогазлар келмоқда. Яқинда Германиядан 150.000 дона противогаз сотиб олинди. Бундан аввал АҚШдан ҳам катта миқдорда ана шу матоҳ олинган эди. Гарчанд, Ироқ Исроилга ракета зарбаси берилмаслигини расман эълон қилган бўлса-да, уруш хавфи одамлар асабини ниҳоятда толиқтириб юборди.

### «ХОЛИФИЛД ҚУЛОҒИ»

Ёдингизда бўлса машҳур боксчи Майк Тайсон рингда кураш айни қизиган чоғида рақиби Эвандер Холифилднинг бир қулоғини тишлаб узиб олган эди. Ҳеч нарсани шунчаки бекордан-бекорга қурбон беришга ўрганмаган америкаликлар боксчи қулоғини ҳам... катта даромад манбаига айлантириб юборишди. Калифорниядаги кондитер фабрикаларидан бири Майк Тайсон тишининг излари акс этган узиб олинган Холифилд қулоғига монанд шоколад ишлаб чиқара бошладилар.

### ҚЎШИҚ ВА МАШҲУР БЎЛИШ ИШТИЁҚИ ПАНД БЕРДИ

Коста-рикалик Алекс Гидо оммавийлашиб кетган мусиқа танловида иштирок этишдан ўзини тия олмади. Бу танлов тўғридан-тўғри телеэфирга узатилиб, ундан бутун мамлакат аҳолиси баҳраманд бўларди. Бахтга қарши мазкур кўрсатувни прокуратура терговчиси ҳам томоша қилаётган экан. Ўз истеъдоди билан ҳаммани қойил қолдириб, машҳур бўлиб кетиш иштиёқида саҳнада жавлон ураётган Алексни «бир дақиқага, мухлис қиз сўраётганлигини» қулоғига секин шивирлаб айтишгач бояқишнинг юраги севинч ва шуҳратдан ҳапқириб кетган бўлса ажабмас. У саҳнадан четта чиқиб, икки қадам қўйиши биланоқ қўлларига кишан урилди. А. Гидо қотиллиги учун икки йил бурун узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган экан. Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари уни қўлга тушира олмай доғда юришган.

### СИНАЛМАГАННИНГ СИРТИДАН ЎТМА

ГФРнинг Дюссельдорф шаҳри вокзалида санғиб юрган ёш, гавдали, бақувват йигит елкасига қимматбаҳо сумкача осиб олган озғин ва нимжон аёлни кўриб, ўлжа иштиёқида унинг орқасидан тушди. Сумкача қаппайиб турганлиги «ов» бароридан келишидан дарак берарди. Хилватроқ жойда тап тортмасдан ўлжага ташланган йигит бошига қиз шунақанги тептики, шўрлик фақат полиция участкасидагина зўрға ўзига келди. Асли болгариялик бўлган «қароқчи йигит» кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Дейзи Ланг сумкасига ташланганлиги учун икки йилни чамбарак ортида ўтказади.

### ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЖАСИ

Деҳлидан олинган хабарларга қараганда Шри-Ланка қуролли кучлари Тамил сепаратчиларининг мамлакат шимолидаги махфий базаларини йўқ қилиш ҳамда «Тамил илам» озодлик йўлабарслари» гуруҳининг раҳбари Велупиллаи Грабкаранани ҳибсга олиш мақсадида кенг кўламли жанговар операцияни амалга оширмоқчи. Шри-Ланка армияси генерали Лионел Балагалленинг таъкидлашича, ҳарбий операция режасига биноан, даставвал Манкуам тумани Тамил жангариларидан бутунлай озод этилади. Маълумотларга қараганда, ўтган 15 йил давомида 50 минг киши этник гуруҳлар ўртасидаги низоларнинг қурбони бўлган.

**Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

